



Жанубий

ҚОЗОҒИСТОН


janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2026 йил 16 апрель, пайшанба, №43 (3689).



»» Президент



ДАВЛАТ РАҲБАРИ ИРОҚ ПРЕЗИДЕНТИНИ ТАБРИКЛАДИ

Қасим-Жўмарт Тўқаев Низор Омедийни Ироқ Республикаси Президенти этиб сайланиши муносабати билан табриклади.

Давлат раҳбари ўз табригида янги Президентга масъулиятли фаолиятида муваффақиятлар тилаб, унинг ташаббуслари Ироқ давлати ва халқи учун фаровон келажакни таъминлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Шунингдек, Қ. Тўқаев Қозоғистон ва Ироқ ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ўзаро ҳурматга асосланган муносабатлар бундан буён ҳам изчил ривожланиб боришига алоҳида ургу берди.

Akorda.kz.

ҚОЗОҒИСТОН – ЖХШТ: ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

ПРЕЗИДЕНТ ҚАСИМ-ЖЎМАРТ ТЎҚАЕВ ЖХШТ БОШ КОТИБИ ТААЛАТБЕК МАСАДИҚОВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Учрашув давомида Т. Масадиков мамлакатимиз раҳбарига ташкилот фаолиятига доир режа ва устувор йўналишларни тақдим этди.

Мулоқот чоғида Ташкилот фаолиятининг асосий йўналишлари, жумладан, унинг доимий ишчи тузилмалари олдида турган вазифалар ва ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлат раҳбари ЖХШТни янада такомиллаштириш юзасидан қатор таклифларни илгари сурди ҳамда Қозоғистоннинг ушбу ташкилот доирасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга тайёр эканини мълум қилди.

Маълумот учун. Жамоавий хавфсизлик шартномаси ташкилоти ҳарбий-сиёсий иттифоқ бўлиб, аъзо давлатлар ўртасида хавфсизлик ва муҳофаа соҳасида ҳамкорликни таъминлашга қаратилган.

ЖХШТ 2002 йилда расман халқаро ташкилот сифатида шаклланган. Бугунги кунда унга бта давлат – Қозоғистон, Россия, Беларусь, Арманистон, Қирғизистон ва Тожикистон аъзо.

ЖХШТ – бу “биргаликда хавфсизлик” тамойилига асосланган ҳарбий-сиёсий ҳамкорлик майдони ҳисобланади.

Akorda.kz маълумотлари асосида.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА



СЕНАТ РАИСИ ФРАНЦИЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ РАҲБАРИ БИЛАН УЧРАШДИ



Маулен Ашимбаев Франция Сенати делегацияси раҳбари Валери Буайе билан музокаралар ўтказди.

Мулоқот чоғида томонлар Қозоғистон ва Франция ўртасидаги ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиб, парламентларо алоқаларни янада ривожлантириш истиқболларини белгилаб олдилар.

Сенат раиси Қозоғистон ва Франция ўртасидаги муносабатлар мустаҳкам ва стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарилганини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, сўнгги йилларда икки давлат раҳбарлари даражасидаги фаол мулоқотлар бу ҳамкорликни янги босқичга олиб чиққан.

Жумладан, Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг Францияга ташрифлари ва Эммануэль Макроннинг 2023 йилда Қозоғистонга расмий ташрифи икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлади.

Учрашув давомида Маулен Ашимбаев мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотлар, жумладан, референдум натижалари ва янги Конституциянинг аҳамияти ҳақида ҳам маълумот берди.

Ўз навбатида, Валери Буайе ҳам парламентларо ҳамкорликни кучайтириш муҳимлигини таъкидлаб, Франция томони бу йўналишдаги алоқаларни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини маълум қилди.

Томонлар келгусида дўстлик гуруҳлари, шунингдек, халқаро парламент майдонлари доирасида ҳамкорликни фаоллаштиришга келишиб олдилар. Шу билан бирга, савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни кенгайтириш, таълим, sanoat, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида кўша лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, учрашувда иқлим ўзгариши, сув захираларини бошқариш, “яшил иқтисодиёт” ва атом энергетикаси каби муҳим йўналишларда ҳамкорликни кучайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Senate.parlam.kz маълумотлари асосида.

БИТИРУВ КЕЧАЛАРИГА ЯНГИ ТАЛАБЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛДИ



Юртимизда мактаб битирув кечаларини ўтказиш қоидалари анча қатъийлаштирилди. Энди битирув тадбирлари фақат мактабнинг ўзида ўтказилиши шарт.

Янги тартибга кўра:

- ресторан, кафе ёки бошқа жойларда битирув кечаси ўтказиш тақиқланди;
- ўқувчилар ва ота-оналардан пул йиғишга умуман йўл қўйилмайди;
- тадбирлар ортиқча харажатларсиз, содда ва тарбиявий руҳда ташкил этилади.

Бу қарорга ижтимоий тар-

моқлардаги норозиликлар сабаб бўлган. Айниқса, айрим мактабларда ҳар бир ўқувчидан жуда катта маблағ (200 минг тенгега яқин) йиғилаётгани танқид қилинган эди.

Шундан сўнг мутасаддилар масалага аралашиб, аниқ чекловлар киритди.

Янги қоидаларнинг асосий мақсади – ота-оналарга ор-

тиқча молиявий босимни камайтириш, барча ўқувчилар учун тенг шароит яратиш, хавфсизликни таъминлаш, турли нохуш ҳолатларнинг олдини олиш.

Полиция ҳам битирув кунлари тартибни назорат қилади.

Zakon.kz маълумотлари асосида.

»» Обуна – 2026

“Жанубий Қозоғистон” – халқ минбари

“Жанубий Қозоғистон” – жамиятнинг овози, халқ дарди ва юрт тафаккурини ифода этувчи ишончли минбар.

Газетамизга обуна бўлиш орқали сиз долзарб янгиликлар ва таҳлиллардан бохабар бўласиз, миллий қадриятлар, тарих ва маърифатни асрашга ҳам ўз ҳиссангизни қўшасиз.

Ҳимматли юртдошлар! Саховатли инсонлар нафақадорлар, ногиронлиги бўлган шахслар ва кам таъминланган оилаларни газетамизга обуна қилишда ҳомийлик қилишлари мумкин.

Бизнинг ягона мақсадимиз – газетамиз нуфузини ошириш, уни кейинги авлодга муносиб ҳолда етказиш. Бу йўлда миллий гурури юксак, маърифатпарвар инсонлар сафини кенгайтириш муҳим.

Аҳиллик ва ҳамжиҳатликда



ҳаракат қилсак, янада улкан ютуқларга эришамиз. Зеро, тарих ва маърифатни улуғлаган халқ доим юксакликка интилади. Ҳозир давом этаётган обуна мавсумида бизни қўллаб-қувватлаётган барча ҳамюртларимизга миннатдорчилик билди-

рамит ва келгуси ярим йилликка обуна бўлишга чорлаймиз.

6 ойлик обуна баҳоси: “Қазпошта” ХЖ орқали – 5230 тенге.

ТАҲРИРИЯТ.

Кентов шаҳрида вилоят “Ёшлар имконият маркази” вилоят ҳамда шаҳар ҳокимлиги шафелигида “AL-FARABI” заковат ўйинларининг тантанали тақдироти ҳамда саралаш босқичи ўтказилди.

Очиқ осмон остида ўтган билимлар беллашувида мамлакатимизнинг 7та минтақаси ҳамда Туркистон вилоятининг барча туман-шаҳарларидан 500га яқин жамоа, 2500га яқин ёшлар иштирок этди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Ертай Алтай ва шаҳар ҳокими Жандўс Тасов сўзга чиқиб, мазкур

БИЛИМДОНЛАР ЗАКОВАТ МАЙДОНИДА

лойиҳанинг аҳамиятига тўхталдилар. Улар бундай кенг кўламли заковат майдонлари ёшларнинг билим салоҳиятини ривожлантириш, мамлакат келажаги учун заковатли авлодни шакллантиришда муҳим ўрин тутишини таъкидлашди.

Саралаш босқичи якунига кўра, энг яхши натижа кўрсатган жамоалар аниқланиб, кейинги босқичга йўлланма олдилар. Ғолиблар Туркис-



тон шаҳрида ўтадиган 1/8 финал босқичида омадини синайди. Умумий соврин жамғармаси – 3 миллион тенге.

Маълумот ўрнида, “AL-FARABI” заковат ўйини ёшларнинг етакчилик қобилиятларини ривожлантиришга имкон берадиган майдондир.

Таъкидлаш жоизки, ушбу лойиҳа иштирокчилар сони бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлди. Шу боис, уни Гиннеснинг рекордлар китобиغا киритиш таклиф этилмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



АГРАР ИСЛОҲОТЛАР САМАРА БЕРМОҚДА

БАҲОРГИ МАВСУМ: РЕЖАЛАР ИЗЧИЛ, НАТИЖА – БАРҚАРОР

Вилоятда баҳорги экин мавсуми қизгин паллага кирди. Жорий йил минтақада жами 536 минг гектарга ёзги экинлар экиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирга қадар унинг 165 минг гектарида экин ишлари якунланди.

Бошоқли дон экинлари 55 минг гектарга, мойбоп экинлар 29 минг, беда 40 минг, сабзавот 15 минг, картошка 6 минг, полиз экинлари 19 минг гектарга экилди.

Мақтаарал ва Жетисай туманлари деҳқонлари эртапишар карам ҳосилини бозорга чиқарди. Ҳозирга қадар 300 тонна ҳосил йиғиб олинди, карамнинг бир килоси 100-130 тенге атрофида сотилмоқда.

Дала ишларини уюшқоқли ташкил этиш мақсадида 37,4 мингта турли русумдаги қишлоқ хўжалик техникаси сафарбар этилган. Техникани янгилаш мақсадида “ҚазАгроҚаржы” дастурлари орқали 223та



янги қишлоқ хўжалиги техникаси харид қилинди. Шунингдек, 25 минг тонна минерал ўғит етказиб бериш учун маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан келишувга эришилди. Имтиёзли нархларда ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ажратилиб, 15 минг тоннанинг 6 минг тоннаси хўжаликларга етказилди. Унинг бир литри нархи 280-281 тенгедан белгиланган. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари давом этмоқда.

“Кең Дала” дастури доирасида 1 196та лойиҳа молиялаштирилиб, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Умуман олганда, Туркистон вилоятида баҳорги дала ишлари режа асосида жадал суръатларда давом этмоқда. Бу эса аграр тармоқда барқарор тараққиётни таъминламоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



Вилоятимизда қишлоқ хўжалиги экин майдонларини зараркунанда – чигиртка куртчалари (личинка)дан ҳимоя қилган ҳолда, фитосанитар хавфсизликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тизимли равишда олиб борилмоқда.

Жорий йил режасига мувофиқ, вилоят бўйича 906 минг гектар майдонда мониторинг ўтказиш режалаштирилган. Бугунги кунга қадар 117 минг гектар ер майдонида текширув ишлари олиб борилди. Унинг натижасига кўра, 21 минг гектар майдонда чигиртка куртчаларининг меъёрдан ортиқ даражада тарқалгани аниқланди. Шу муносабат билан зараркунандалар тарқалишининг олдини олиш

ЭКИН МАЙДОНЛАРИ НАЗОРАТ ҚИЛИНМОҚДА



мақсадида 19,6 минг гектар ерга кимёвий ишлов берилди. Ҳозирда бу жараён режага мувофиқ давом этмоқда.

Ушбу тадбирга 600га яқин

мутахассис жалб этилган. Шунингдек, 253та махсус техника ва 45та сув транспорт воситаси узлуксиз фаолият юритмоқда. Мутахассисларнинг

фикрига кўра, ушбу чоралар зараркунандалар тарқалишини ўз вақтида тўхтатиш ва экин майдонларининг хавфсизлигини таъминлаш имконини беради.

Мониторинг ва ишлов бериш ишлари маҳаллий ҳокимиятлар ҳамда тегишли ташкилотларнинг ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, аҳоли орасида тушунтириш ишлари олиб борилди ва вазият доимий назоратга олинди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ПАВЛОВНИЯ – КЕЛАЖАК ДАРАХТИ

Вилоятда экологик муҳитни яхшилаш, ҳудудларни кўкаламзорлаштириш ва яшил майдонларни кенгайтириш мақсадида “келажак дарахти” – павловния экилмоқда.

Дунёдаги энг тез ўсадиган дарахтлардан бири ҳисобланган павловния ҳозирги кунда Туркистон шаҳрига кириш қисмида ҳам баравж ўсмоқда. Уни экиш ишлари, асосан, Жетисай, Келес ва Сариеоғоч туманларида амалга оширилмоқда. Умуман олганда, ҳудуд бўйича павловниянинг 60 мингдан зиёд кўчати ва ўнлаб гектар плантациялари мавжуд. Келгусида бу йўналишдаги ишларни янада кенгайтириш режалаштирилган.

Павловния дарахти жанубий ҳудуднинг табиий иқлим шароитига мослашган бўлиб, у йилига бир неча метргача

ўсади, қулай шароитда 20-25 метр баландликка етиши мумкин. Шунингдек, баҳор-ёз фаслида узоқ вақт гуллаб, экологик жиҳатдан ҳавони тозалаш, карбонат ангидрид газини ютиш хусусиятига эга. Павловния келажақда саноат хомашёси сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Унинг ёғочи жиҳоз ишлаб чиқаришда, қайиқ, чанги, мусиқа асбоблари ва турли енгил саноат маҳсулотларини тайёрлашда кенг қўлланилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, павловния етиштириш фақат экологик ташаббус бўлиб қолмай, балки даромадли агросаноат йўналишига айланмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



Шарқнинг дурдонаси саналган қадимий Самарқанд шаҳрида қозоқ ва ўзбек илмий-ижодий зиёлиларининг иккинчи форуми ўтди. Ўтган йили Қозоғистон томони ташаббуси билан Астанада бошланган ушбу муҳим майдон бу йил ўзининг мантиқий давомини Ўзбекистоннинг кўҳна шаҳри Самарқандда топди.

Форумнинг бундай изчиллиги унинг тасодифий учрашув эмас, балки мазмунли теран, келажаги мустақкам, давлатларо даражада қўллаб-қувватланаётган доимий мулоқот майдонига айланганини кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, илк анжуман ўтган йили Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев топшириги билан Астанада ўтказилган эди.



АСТАНАДА БОШЛАНГАН ЭЗГУ АНЪАНА САМАРҚАНДДА ДАВОМ ЭТДИ



Бу йилги тадбир Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати ташаббуси билан ташкил этилди ва икки давлат раҳбарларининг қўллови асосида юқори даражада ўтди.

Сенат Раиси Маулен Ашимбаев ўз нутқида Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар анъанавий давлатларо ҳамкорлик доирасидан чиқиб, мулқоқ янги ва муҳим босқичга кўтарилганини алоҳида таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, бу сифат жиҳатидан янги силжиш Президентлар Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ҳамда ўзаро ишончига таянади. Форумнинг рамзий аҳамияти ҳам шунда: бугун икки мамлакат фақат қўшни давлат сифатида эмас, балки минтақанинг умумий келажагини биргаликда белгилаётган стратегик ҳамкорлар сифатида янги мазмундаги муносабатларни шакллантирмоқда.

Ўз навбатида, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ҳам анжуман ғояларини қўллаб-қувватлаб, Қозоғистон томонига миннатдорлик билдирди. У қозоқ ва ўзбек халқлари ҳамкорлигининг бош мақсади маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш ва ўзаро ҳамкорликнинг бошқа муҳим йўналишларини илгари сурши эканини таъкидлади. Шу жиҳатдан, икки палата раисларининг форумга алоҳида аҳамият бергани, уларнинг дастурий маърузалар билан қатнашгани ва якуний сўзларини ҳам шахсан айтгани ушбу учрашувнинг нуфузини янада юксалтирди. Анжуман дастурига мувофиқ, тадбирни Танзила Норбоева очиб берди, сўнгра Маулен Ашимбаев сўзга чикди, якуний қисмда эса ҳар икки палата раиси форумга хулоса ясади.



Анжуман мазмунли фақат эзгу тилаклар ва дўстона эҳтиром билан чекланиб қолмади. Унда илм-фан ва технология мустақиллик, таълим дастурларини кенгайтириш, академик сафарбарлик, етакчи олий ўқув юртлири ўртасидаги ҳамкорлик, иждодий индустрия ва санъат соҳасидаги қўшма лойиҳалар каби долзарб масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Маулен Ашимбаев Қозоғистонда сунъий идрокни ривожлантиришга қаратилган экотизим шакллантирилаётганини, Alem AI халқроқ маркази ишга туширилаётганини маълум қилиб, илмий жамоатчилик куч-ғайратини бирлаштириш икки давлатнинг жадал ва илғор тараққиёти учун стратегик аҳамиятга эга эканини айтди. Бу эса тадбирнинг фақат ўтмишни эслайдиган эмас, балки келажани биргаликда қурадиган амалий майдон эканини кўрсатади.

Самарқанддаги учрашувнинг яна бир ўзига хос жиҳати – унда ҳар икки мамлакатнинг ҳақиқий заковатли ва иждодий зиёлилари иштирок этганидир. Қозоғистон томонидан халқ ёзувчиси Тўлен Абдик, Миллий фанлар академияси вице-президенти Асқар Жумадиладев, ёзувчи Алибек Асқаров, Қарағанди университети ректори Нурлан Дулатбеков, «Целинный» замонавий маданият маркази директори Жамила Нурқалиева каби таниқли шахслар иштирок этган бўлса, Ўзбекистон томонидан Фанлар академияси президенти Шавкат Аюпов, Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори Шухрат Сирожиiddинов, таниқли олимлар, шоир-ёзувчилар, маданият ва санъат арбоблари жам бўлди. Бу анжуманнинг кўлами ва сифатини, шунингдек, унинг ҳақиқий заковат салмогини янада яққол намоян этди.

Энг муҳими, бундай форумлар қардош халқларнинг тарихий яқинлигини бугунги замон талабларига мос янги мазмун билан бойитади. Умумий ўтмишдан умумий келажаққа интилиш ғояси Самарқанд форумининг бош маънавий ўзагига айланди.

Бугун қозоқ-ўзбек ҳамкорлиги сиёсат ва иқтисодиёт доирасидан чиқиб, илм-фан, таълим, адабиёт, санъат, медиа ва ёш авлод алоқаларини қамраб олган кенг гуманитар маконга айланиб бормоқда. Астанада бошланган ушбу эзгу ташаббуснинг Самарқандда давом этгани – шунинг яққол далилидир.

Шундай мазмунли ва ибратли учрашувлар икки халқ ўртасидаги дўстликни янада мустақкамлаб, Марказий Осиёда ўзаро ишонч, маданий янгиланиш ва заковат борасидаги ҳамжиҳатликни янада мустақкамлайди.

Алишер СОТВОЛДИЕВ,
Қозоғистон Республикаси Парламент Сенати депутати.

»» Вилоят Оқсоқоллар ҳайъатида

КЕКСАЛАР – ЮРТИМИЗ ХАЗИНАСИ

“Қариси бор уйнинг париси бор”, дейдилар. Кекса отахон ва онахонларимиз жамият равнақи, ёшлар тарбияси, ҳамда давлат сиёсатини тарғиб қилишда мутасадди ташкилотлар ходимлари билан елкама-елка туриб жонбозлик кўрсатмоқдалар. Эл бирлиги, ёшлар тарбияси, тўйлардаги дабдаба-бозлик, исрофгарчилик, этнослараро дўстлик, тотувликни мустақамлашда ҳиссалари беқиёс.



Вилоят марказидаги “Ынтымақ” уйда виллоят оқсоқоллар ҳайъати раиси Есенғали Мурат Изтилеуов, ўринбосарлари Тойир Абдувалиев, Мурат Қўнақбаевлар раҳбарлигида жамиятимиз учун самарали бўлган анжуман ўтди. Унда тарбия, тозалик, маънавият, ободончилик масалалари муҳокама қилинди.

Вилоят маркази – Туркистон шаҳри ва туманларда ушбу ташкилотнинг 11та бўлими фаолият юритаётганлиги, ҳайъат аъзолари сафи кенгайиб, иш кўлами ҳам ортаётганлиги қайд этилди.

Қорачиқ қишлоғида истиқомат қилувчи, турли жабҳаларда виллотимиз равнақига муносиб ҳисса қўшган, нафақа ёшидаги фаол отахонларга, каминанага, Нуриддин Умаров, Абдупаттоҳ Аҳмедов, Аҳмаджон Эрметов, Уринбосар Холжонов, Мухомед Умаров сингари отахонларга виллоят оқсоқоллар ҳайъатининг аъзоси гувоҳнома-лари тақдим этилди. Уларнинг барчаси “Жанубий Қозоғистон” газетасининг эътиқодли обуначилари.

Қодир АҲМЕДОВ,
виллоят оқсоқоллар
ҳайъати аъзоси.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.



Ота-онанинг фарзандга қилган ҳар бир хизматини пулга қақиб, баҳолаб бўладими? Бир ота-она ўн та болани боқади, ўн та бола битта ота-онани боқолмайди, деган гап нахотки тўғри бўлса?

Ота-онани алоҳида яшайдиган фарзандлар уларни кўришга ҳадеганда фурсат тополмайди. Вақт ажратиб, ота-онанининг ҳузурига борса ҳам, уларнинг ғанимат дийдорига тўйиб қолишга, олтинга тенг насиҳатларини эшитишга ҳафсала қилмайди. Ўз муаммоларини тезгина гапириб, “Бўлди энди мендан кўмак сўрай кўрманг”, дегандек, тезроқ кетиш пайида бўлишади.

Ҳа, шунчалик беҳимматмизки, дийдоримизга зор ота-онамиз кўзини эшикка термултириб қўйиб, ўткинчи ҳавасларга умрни зое кетказамиз. Ёрдамимизга, суҳбатимизга ташна яқинларимизни сўнгги манзилга кузатган эса, “серҳиммат” бўлиб элга дастурхон ёзамиз, қўйлар сўйиб, ош берамиз.

Вақтида берилмаган кўмак, узатилмаган қўл, очилмаган бағир, кўрсатилмаган ёрдам, айтилмаган изҳорлар ўрнига ош бериб, гўёки виждонимиз олдида ўзимизни оқлагандек бўламиз...

Тилимизда “доғ” деган тушунча бор. Доғнинг давоси совун, дейишади. Бироқ, шундай доғлар борки, энг қимматбаҳо совун ҳам уни кетказолмайди. Бу – инсоннинг ўз шаънига, ота-онаси, аждоқлари, миллати, Ватани шаънига туширган доғдир.

Жалолиддин Румий ҳазратлари таъбири билан айтганда, покдамон киши нафис ипак тато кабидир. Унга теккан тирноқдек доғ ҳам кўзга хунук кўринади. Латофати ва нафосати, муҳаббати ва садоқати, оналик меҳри туфайли улугларимиз томонидан Яратганнинг мўъжизаси, дея таърифу тавсиф этилган аёл ҳам ҳарир матога ўхшади. Кўзимизга нур, қалбимизга сурур, хонадонимизга ҳузур бахш этгучи бу хилқатни бегона назарлардан, турмушнинг залворли юки-ю, ҳаётнинг ачиқ эпкинларидан ҳимоя қилишга интиламиз. Аммо ҳаммасини ҳам эмас...

Қишлоқларда ишсизлик туфайли баъзи ёшлар кечқурунлари ичкилик ичиб, безорилик қилади. Иш тополмай қийналганлари эса оиласини боқиш учун хорижий давлатларга кетишга мажбур. Ишсизлик даражаси бизда паст, деб ҳисобот беришда туман раҳбарлари. СССР даврида ишсизлик даражаси деган тушунчанинг ўзи йўқ эди. Бир неча кун ишсиз юрган одамни участка нозирини бир зумда топиб оларди ва огоҳлантирарди. Ишлашни истаманганлар қамоқ жазосига ҳукми қилинарди. “Ишладик, лекин ойлгимизни ололмаямиз”, каби иддаоларни



ҳам эшитяпмиз. СССР даврида ойлик кечикди, деган тушунчанинг ўзи йўқ эди. Ойликни кечиктирган мутахассис жиноий жазога тортилишини биларди.

2011 йилдан буён араб давлатларида давом этаётган жоғролар сабабларини кўп таҳлилчилар ташқи кучлар таъсири, тенгсизлик, камбағаллик, уюшган жиноятчилик ва ишсизлик, дея баҳоламоқда. Лекин, аслида нотинчликнинг туб илдизи бефарқлик ва ношукрликка бориб тақалади.

Фуқаролар бепарво бўлиб қолишининг охири-оқибати фожиага олиб келади. Баъзи кимсаларнинг ёвузликка қўл уришлари лоқайдлик натижаси эканини асло унутмаслик керак. Тобора кучайиб бораётган бундай иллатларга қарши доимо ОГОҲ ва ХУШЁР бўлиб яшаш бугунги кун талабидир.

Осойишталикка таҳдид солаётган иллатлар – айнан лоқайдлик ва ношукрликдир. Бундай таҳдидлар жамият аъзоларида ўз тараққиёт йўлига нисбатан ишончсизлик ва парокандаликни келтириб чиқаради. Пировардида одамни ўзи тугилиб ўсган юрти ва халқидан кечишга, қўриб туриб кўрмасликка олиш, ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айланмишига олиб келади. Шу сабабли аввало, ёшларни бундай таҳдидларга нисбатан мurosасиз бўлишга тайёрлаш зарур. Бунинг учун уларга таҳдидларнинг кирдикорлари ва аянчли оқибатлари ҳақида батафсил маълумот бериш керак.

Ушбу мавзу илгари ҳам кўтарилган.

Ҳатто СССР даврида ҳам. 1981 йили Москвада чоп этиладиган “Комсомольская правда” газетасида “Цена равнодушия” номи мақола чоп этилди. Унда қуйидаги фикрлар билдирилган эди: “Ақсарият одамлар ҳатти-ҳаракатини танқидий баҳолашга журъат қилмайди. Ҳеч ким ўзининг, фарзанд-невраларининг камчилигини кўрмайди, тан олгиси келмайди. Радио-телевидение орқали тўғрилиқ, ҳалол меҳнат ва покиза лўқма ҳақида гапирарди, ўзи қинғир йўл билан даромад топади. Мактабни эндигина тамомлаган ўғлига машина совға қилаётган оталар ҳам йўқ эмас. Уларнинг қуруқ сафсатага ким ишонади?! Бугун кишиларга “бировнинг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бетараф ва бепарво қараб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган” одамлардан кўрқиб керак.

Уларнинг Ватанига ҳам, эл-юртига ҳам фойдаси тегмайди, аксинча зарари бўлади, мамлакат тақдирига бегонадек қараб туради, ундайлардан атрофдагилар доимо хушёр бўлмоқлари зарур.

Ёшларимизни бир зум бўлса-да эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим, агар биз улар билан шуғулланмасак, “бошқалар” шуғулланиши ва акс ҳолда кейин кеч бўлиши мумкин. Чунки азалдан маълумки, бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир. Айтиб ўтилганидек, душманинг кимлиги, асл қиёфаси сиз учун аввалдан



»» Бир туман хабарлари

ҲАШАР – ЭЛГА ЯРАШАР



Сайрам тумани ҳоқими М. Ўразалиев ташаббуси билан Қорабулоқ қишлоғида “Тоза Қозоғистон” экологик тадбири ҳамда “Мелдир бўлақ” ташаббуси доирасида шанбалик ташкил этилди. Умумхалқ ҳашарида туман ҳоқимлигининг бўлим раҳбарлари, туман маслаҳати

депутатлари, қишлоқ ҳоқимлиги ходимлари, фаоллар ва кўнгилчилар иштирок этдилар. Экологик ҳолатни яхшилаш мақсадида қишлоқдаги Катта қўл худуди тозаланиб, кўчатлар экилд, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари амалга оширилди.

СУННАТҚУЛ ЭГАМБЕРДИЕВ – ЧЕМПИОН

Туркистон шаҳрида дзюдо, қозоқча кураш ва самбо бўйича спорт усталари орасида Қозоғистон Республикасининг чемпионати ўтди.

Унда мамлакатимизнинг шаҳар ва виллоятларидан 20та жамоа, 400дан зиёд спорт усталари ўзаро куч синашдилар.

Мусобақада виллоят жамоаси таркибида иштирок этган Сайрам туманидаги 96-сонли мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, жисмоний тарбия ўқитувчиси, “СССР спорт устаси”, “Қозоғистон Республикаси спорт устаси” Суннатқул Эгамбердиев муваффақият қозониб, самбодан 1-ўринни, дзюдодан 3-ўринни эгаллади.

Ғалаба муборак!

З. МҮМИНЖОНОВ.



»» Мулоҳаза

ЛОҚАЙДЛИКНИНГ БАҲОСИ

маълум бўлади. Бироқ лоқайд ва бепарво одамнинг қиёфасини, унинг мақсадини бирданга англаб бўлмайди”.

Абу Ҳомид Ғаззолий “Мукошафатул қулуб” асарида “Инсон нафақат мавжуд тинчликнинг қадрига етиб, шукрини адо этиши, балки унга ношукрлик қилиб путур етказишдан ҳам сақланиши зарур”, деб ёзган. Улуғ мутасаввиф Жалолиддин Румий ҳикматида эътибор беринг:

“Дори бор, аммо бемор уни ичмаса, вужуд ҳазм этмаса, хасталик ҳеч қачон чекинмайди”. Аҳмад Яссавий умрининг сўнгги йилларини ер остида, танҳоликда ўтказгани маълум. Ул зот золим ҳоқимлар, адолатсиз қозиларнинг раиятга ўтказган жабр-ситамига норозилик сифатида шундай йўл тутган дейишади.

Мабодо Яссавий бобомиз ҳозирги даврда ашаганда, айрим мансабдорларнинг қилмишларини кўриб, маънавиятдан, ахлоқдан, инсофу диёнатдан айро тушганимиздан воқиф бўлиб, ер бағрига янада чуқурроқ кириб кетган бўлармиди...

Ихтимоий тармоқларда оппоқ соқолли мўйсафидга дўқ ураётган, ҳатто қўл кўтарётган ёшларни кўриб, ичдан зил кетасиз. Бир йигит отасини уриб ўлдиргани ҳақида хабар тарқалган эди. Етти йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Кўча-кўйда ёш-ялангни кузатинг, қўлида смартфон, қулоғида эшитиш мосламаси. Кўзлари ҳеч нима кўрмайди, қулоқлари ажнабий оҳанглардан бошқасини эшитмайди. На салом бор, на алик... Бу ҳол учун фақат “оммавий маданият”ни айблашмоқда. Аслидачи?

Хаёлот макони бошқа иллатларни ҳам урчитяпти: қалбаки бахт, йўқни бор қилиб кўрсатиб, ўзини кўз-кўз қилиш, ижарага машина олиб, ота-она, ёр-дўстларга “ҳадея” этиш, тўй (ҳатто аза) дастурхонидаги ижарага олинган неъматлар... Яна бир антиқа ҳолат: қари пулдорга тегиб олиб, тўйда сохта қувё – ёш йигитни турга ўтқазиб қўйишига нима дейсиз! Булар комедиями ё трагедиями?

Бу воқеа бир қишлоқда бўлган. Улфатлар жам бўлиб ўтирганда улардан бири синфдош қизнинг шаҳарга ўқийман, деб кетиб, фоҳишалик билан шуғулланаётганини айтади. Бошқалар унга қўшилиб, гийбатни давом эттиришади. Шунда улфатнинг жўрабошиси столга мушт уриб, “Тўхтат! дейди ва хонадан қочиб кетади. Таксига ўтириб, ўша синфдоши яшаётган шаҳарга боради. Уни ишчилар ётоқхонасидан

топади. Қўлидан ушлаб, кетдик, дейди. Йигитнинг вазоҳатини кўриб, қиз унинг буйруғига индамай бўйсунди. Эртасига у қиз билан никоҳдан ўтади. Бу воқеага ўн йилдан ошди, ҳозир уларнинг беш фарзанди бор, бахтли ҳаёт кечирмоқда. Демак, аёлни бахтли қилиш эркакнинг қўлида, фақат лоқайдлик тўридан вақтида чиқиш керак холос.

Ихтимоий тармоқлардаги хабарларни ўқиб, юрак ларзага тушади. “Ер дови деб қўшисини болта билан чопиб ташлаган”, “Бир жувон туғиб, боласини дарахт тағига ташлаб кетган”, “Эри билан жанжалдан сўнг болаларини юқори қаватдан ташлаб юборган”, “Машина олиб берман деб юзлаб одамларни чув туширган”... Бугунги манзара бу.

Йўлини йўқотган гумроҳларга ачиниш, раҳми келадиганлар ҳам оз эмас. Афсуски, бу иллатларни ачиниш, раҳм-шафқат билан йўқотиш мушкул. Улар билан биринчи навбатда кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари, барчамиз курашмоғимиз даркор. Келиб чиқиши мумкин бўлган нотинчликнинг олдини олишда ҳам фаол иштирок этишимиз лозим. Президент Қасим-Жумарт Тўқаев ҳам январь воқеаларининг юзага келишига лоқайдлик ва уюшган жиноятчилик сабаб бўлганини таъкидлади. Айрим давлатларда бўлаётган ўзаро тўқнашувлар ва қарама-қаршиликларнинг яна бир сабаби ношукрлик оқиба-тидир. Унинг жамиятда илдиз отиб кетиш хавфи катта бўлган маънавий таҳдиддир. Бундай инсонларни динимиз ҳам қоралайди: “Оллоҳ Расули буюради: Оллоҳнинг қавмларига аталган бир талай неъматлари бор. Қавмлар бир-бирларининг эҳтиёжларини таъмин этган ва бир-бирларининг дардларини аритган ва ариётган вақтларда бу неъматларни уларга беришда давом этади. Бир-бирларини севмай, бир-бирини чалиб йиқитишга ўта бошлаган вақтларда уларга бераётган неъматларини тўхтатиб, бошқа аҳил қавмларга беради”.

Ўзини шу муқаддас Ватаннинг фаровонлиги учун дахлдор деб билладиган ҳар бир инсон тинчликнинг мохиятини нафақат яхши англайди, балки шунга муносиб ҳиссасини қўшади. Албатта, фаровон кунларимизнинг қадрига етиш, уни асраб авайлаш зиммамиздаги улкан масъулиятдир.

Авазхон АБДУФАТТОҲ.

ИСТИҚЛОЛ – ФАХРИМ



Инсон маънавиятини бойитишда китоб ва газетанинг ўрни бекиёс. Китоб инсоннинг энг яқин дўсти, ишончли маслаҳатчиси. Мутлолаа ўқувчининг фикрлаш доирасини кенгайтиради, унинг қалбига эзгу туйғуларни уйғотади. Шунингдек, мутлола сабр-тоқат, диққат ва изланишга ўргатади.



Газета ўқиш эса инсонни замон билан ҳамнафас қилади. У орқали муҳим янгиликлардан бохабар бўлади. Бу эса инсоннинг онгли шахс сифатида шаклланишига ёрдам беради.

Яқинда Сайрам тумани таълим бўлимига қарашли умумтаълим мактаблари 10-11-синф ўқувчилари ўртасида "Жанубий Қозғоғистон" газетасининг 35 йиллигига бағишланган "Истиқлол – фахрим, келажаким!" мавзюида

Сайрам тумани, Оқсувкент қишлоғидаги 47-сонли мактабда эсселар танлови ўтди. Бу ажойиб тадбирни туман услубият бирлашмаси раҳбари Доно Маъруфхонова ҳамда мактаб тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Улуғбек Кўрғонов очиб берди.

Танловда туманимиздан 40 нафар ўқувчи иштирок этиб, уларнинг 20 нафари совринли ўринларни қўлга киритди. Ўқувчилар эссе ёзаркан, Она Ватанга меҳр-муҳаббатини,

ҳис-туйғуларини ижодкорлик маҳорати билан баён этишди. Эссе ёзган ҳар бир ўқувчи Ватан олдидаги бурчини ҳис қилган ҳолда ёзди, уларда китобга муҳаббат, газета-журналлар билан ҳамнафаслиги яққол кўриниб турарди.

Танловда якунига кўра, энг яхши натижа кўрсатган 3 нафар ўқувчи бир овоздан ғолиб, деб топилди ва вилоят босқичига йўлланма олди.

11-синфлардан ғолиблар 65-сонли А. Музропов номидаги умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Барчиной Жавлонова (устози Маҳфуза Муталова), яна бир ғолиб 89-сонли "Қайнарбулоқ" умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Нилуфар Оллоноворова (устози Гулчеҳра Арсланбекова) ҳамда М. Аюезов номидаги мактабининг 10-синф ўқувчиси Севинч Равшанбекова (устози Дилора Аҳмедниязова).

Ғолиб ўқувчиларнинг ёзган эсселари "Жанубий Қозғоғистон" газетасида чоп этилиб, ёш ижодкорлар қатори кенгайтиришга ёрдам беради.

Ижодкор, китобсевар ўқувчиларни яна бир бор табриқлаймиз ва келгуси вилоят босқичларида омад тилаб қоламиз!

Дилсўз ЭРГЕШОВА,
ўқитувчи.

ЁШ ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРНИНГ
УЛКАН ЮТУҒИ

Юртимиз келажаги баркамол ёшлар қўлида. Ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни ҳар томонлама камол топтириш эса фидойи ва истъодли устозлар зиммасидаги масъулиятли вазифадир. Устоз меҳнати самараси, аввало, унинг шогирдлари ютуғида намоён бўлади.

Халқимизда «от изини той босар», деган нақл бор. Бу ҳақиқатнинг ҳаётий исботини Қарноқ қишлоғидаги «Қарноқ» умумтаълим мактаби мисолида яққол кўриш мумкин. Мазкур мактаб жамоаси узоқ йиллар давомида спортнинг волейбол тури бўйича кўплаб шогирдларни тайёрлаган марҳум устоз Комилжон Отаметов номини ҳурмат билан тилга олади.

Бугун эса унинг муносиб издоши – ўғли, мактаб жисмоний тарбия фани бирлашмаси раҳбари Аминжон Отаметов падари бузуқворининг эзгу ишларини давом эттирмоқда. 2024-2025 ўқув йилида мактабнинг волейбол жамоаси шаҳар, вилоятда биринчилигини, республика бўйича 2-ўрин

ни қўлга киритди. 2026 йилда «Қарноқ» умумтаълим мактабининг 7-8-синф ўқувчилари спорт соҳасида яна бир улкан ютуққа эришдилар – мусобақанинг минтақавий босқичида ғалаба қозониб, Республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Бу натижа, аввало, ўқувчиларнинг тиришқоқлиги, интилиши ва жамоавий ҳамжиҳатлигининг самарасидир. Волейбол ўйини нафақат жисмоний чиниқиш, балки тезкор фикрлаш, жамоа билан ишлаш ва интизом каби муҳим фазилатларни ҳам тарбиялайди. Шу боис, бугунги кунда ёшлар орасида ушбу спорт турига қизиқиш ортмоқда.

«Миллий мактаб лигаси» мусобақасининг вилоят бос-

қичида 1-ўринни эгаллагани учун жамоа раҳбари А. Отаметов вилоят таълим бошқармасининг дипломи билан тақдирланди ва республика босқичига йўлланма олди.

Бундай фидойи устозлар ёш истъодларни кашф этиш, уларни юксак марралар сари етаклашда муҳим ўрин тутди. Уларнинг меҳнати туйғайли ўқувчилар нафақат мактаб, балки вилоят ва республика миқёсида ҳам ўзларини муносиб тарзда намоён этаяптилар.

Эндиликда ёш волейболчиларни янада масъулиятли босқич – Республика мусобақаси кутмоқда. Уларга мустақам ирода, омад ва янада каттароқ ғалабалар насиб қилишини тилаб қоламиз!

Мансур МАТМУСАЕВ,
«Қарноқ» умумтаълим
мактаби директори.

Тасвирда: ғолиб ўқувчилар, устозлар ва мактаб маъмурияти.

»»Элни азиз қилар элда азизлар

ҚАДРИ УЛУҒ,
ҚАЛБИ ДАРЁ ОТАХОН

Инсон умри давомида тўплаган илми ва тажрибаси билан қадрлик. Ёши улуг бўлишига қарамай, дунё янгиликларидан бохабар бўлишга интилиб яшайдиган, китоб ва газетани, умуман, илмни ўзига дўст тутган муътабарларимиз, ёш авлод учун битмас-тутанмас ибрат манбаидир.

Шундай нурунийлардан бири – ҳаюртимиз Муҳаммадҷон Мамадалиев илмга қадқоқ, ҳаётий тажрибасини билими билан бойитиб, атрофдагиларга маърифат зиёсини улашадиган инсон тимсолидир. У киши ёш авлод учун ибрат манбаи, беназир қадриятларимизни улуғлаш йўлида фидойилик танитаётган нурунийларимиздан. Газетамиз 35 ёшни нишонлаётган бўлса, мана шунча йилдан буён унинг қадрдон дўсти. Қизиғи шундаки, тахририятга ташриф буюриб, йил сайин ўзи ҳамда яқинлари, кўни-қўшилари ҳам обунани расмийлаштириб, газетхонларимизнинг сафи кенгайтишига ҳисса қўшмоқда. Баракали 90 ёшни қаршилаётган инсонпарвар, илмпарвар нурунийимизнинг ҳаёти ёшларга ибрат.

Ўтган ҳафтада отахон тахририятга ташриф буюриб, газетамизнинг навқирон ёши билан кутлади, обунани уюшқоқли ўтказишда ёрдам беришга тайёр эканлигини айтиб, жамоамиз фаолиятга барака тилаб, дуо қилди. Халқ минбари аталмиш газетамизнинг ўзига хос меҳриғиёси улар. Жонқуярларимизнинг нуруний ёшда биз, ёшларга эзгулик илиниши, халқим, юртим, деб фидокорлик кўрсатишлари ҳам ўзига хос ибрат мактаби.

Муҳаммадҷон ота Ўзбекистон Республикасининг Андижон вилояти Марҳамат туманида дунёга келган. Улуғ Ватан уруши тугаган йили мактабга борган. Оилада 9 нафар фарзанд дунёга келган бўлса, иқтисодий қийинчилик йилларида уч нафар синглиси оламдан ўтди. Мактабни тугатар-туғатмас М. Калинин номли жамоа ҳўжалигида меҳнат қилди. Меҳнатлари муносиб баҳоланиб, звено раҳбари этиб тайинланди. Кейин хўжаликка таниқли зиёли Ҳасанҷон Маҳсум номи берилди. 1965 йили Тошкент ирригация ва қишлоқ

экспедиторлик қилди. 1993 йилга қадар ушбу муассасада фаолият юритди, муассасанинг фаолиятини тугатиши даврига ҳам гувоҳ бўлди.

– Ушбу соҳада қарийб 30 йилга яқин фаолият юритдим, – дейди Муҳаммадҷон ота. – Тошкентда таҳсил олиб, талабаларга таълим бердим. Шимкентга ўтиш даври босқи-



чида келганлигим туйғайлими, йирик заводнинг ўз фаолиятини тўхтатишини, ҳамкасбларимнинг ишсиз қолган даврларини кўриш менга жуда огир ботди. Афсус, ўша даврда одамлар 1000 сўмлик дастгоҳларни 10 сўмга, 100 сўмлик усқуналарни 1 сўмга пуллашди, мулк эғасиз қолган йиллар бўлди. Барбод қилинган ишлаб чиқаришни тиклаш осон эмас. Нафақага чиқдим. Мирзаали бобомнинг мулла, бувимнинг отинбуви бўлганлиги, тоғаларим – Абдуллажон, Сотиболдиларнинг қўри бўлганлигига ихлос қилдим. Она юртим – Андижон вилоятидаги таниқли илм пешвоши Ҳасанҷон Маҳсум, унинг ўғли Абдулҳай Маҳсумга шогирд тушиб, Қўрғон, ҳадис илмини ўргана бошладим. Инсон қанча ёшга келишидан қатъиназар,

диққатли бўлинг», деган гапларини ҳаётимнинг шиорига айлантирганман ва фарзандларимга ҳам, ёшларга ҳам шунини тақорлайман. Оилада қақалоқ туғилса, азон айтишга мени қақаришади. Хурматлари учун ҳаюртларимга раҳмат. Гўдақнинг исмини сўрасам, замонавий, ҳатто миллий одатларимизга ёт исмларни қўйишади, талаффузига қийналасан. Маъносини сўрасам, билишмайди. Фарзандларимизга миллатимизнинг ўзлигини намоён қиладиган, исмларни қўйсак бўлмайдимми? – дейди кўюниб отахон.

– Нуруний ёшга келдингиз. Шу ёшга келгунингизга қадар қандай тамойилларга амал қилиб яшадингиз?

– Ҳар йилнинг бошида шиғохонга бориб, тиббий кўрикдан ўтман. 25 йилдан буён «Биркеллик» оромгоҳида дам олиб келаман. Ижтимоий таъминот бўлими йўллаган шиғо масканларида ҳордиқ чиқаришни қанда қиларман. Шиғоқорлар

тавсия қилган дармондориларни мунтазам қабул қиламан. Далаҳовлимиздаги боғчада дарахлар, экинларни парваришлайман. Умуман, доим ҳарқатда бўлишга, пийда юришга ҳаракат қиламан. Саломатлик ва хотиржамлик Яратган бизга инъом этган энг катта неъмат, буларнинг қадрига етиш керак. Таниқли файласуфларимиз, «ҳаёт ҳаракатдан иборат», деб беҳжиз айтмаган. Маҳалладош, қариндошлар, улфатлар йиғинларга чорлаб туришади. Тўрт нафар синфдошим ҳаёт, улар билан гурунглар уюштириб турамиз, бу янада завқ-шавқ билан яшашимизга рағбат беради, илҳом сийлайди.

– Ёш газетхонларимизга қандай ниятлар билдирган бўлардингиз?



хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини тасмоллади. Сўнг Андижон Гидро-мелиорация техникумига ишга кирди. Соҳанинг сир-асрорларини, суғориш тизимининг тақомиллашуви, унинг озик-овқат саноатига, умуман, инсониятга ижобий таъсирини талабаларга ўргата бошлади. 22 йил мобайнида ушбу соҳада талабаларга сабоқ берди. Мазкур давр мобайнида ўз соҳасининг етуқ мутахассислари етишиб чққди, айни кунларда унинг шогирдлари олис хорижий давлатларда ҳам фаолият юритмоқда, таҳсил олган олий таълим муассасалари, устозларининг ишончини оқлашмоқда. 1987 йили тақдир Муҳаммадҷон отани Шимкентга чорлади. Оила кўрди, умр йўлдоши Саврихон опа билан биргаликда 3 нафар ўғил ҳамда 2 нафар қизни вояга етказишди. Шимкентдаги сут заводиди

илм ўрганиши жоиз. Фарзандларимизга илм ўрганишда доим ибрат бўлишимиз керак. Шўқр, айни кунларда ҳам кўзойнақсиз кирди. Соҳанинг сир-асрорларини, суғориш тизимининг тақомиллашуви, унинг озик-овқат саноатига, умуман, инсониятга ижобий таъсирини талабаларга ўргата бошлади. 22 йил мобайнида ушбу соҳада талабаларга сабоқ берди. Мазкур давр мобайнида ўз соҳасининг етуқ мутахассислари етишиб чққди, айни кунларда унинг шогирдлари олис хорижий давлатларда ҳам фаолият юритмоқда, таҳсил олган олий таълим муассасалари, устозларининг ишончини оқлашмоқда. 1987 йили тақдир Муҳаммадҷон отани Шимкентга чорлади. Оила кўрди, умр йўлдоши Саврихон опа билан биргаликда 3 нафар ўғил ҳамда 2 нафар қизни вояга етказишди. Шимкентдаги сут заводиди

– Ёшингиз улуг, деб, мени тўй-маросимларни очишга таклиф қилишади. Маст қилувчи ичимликлар қўйилган маросимларнинг биронтасида қатнашмайман, руҳимни доим парҳеъда ушлайман. Устозимнинг «дуоларингизнинг қабул бўлишини истасангиз, қатнашаётган маросимларингизга ва тановул қилаётган лўқмангизга

– Ажрашиш остонасида турган оилаларни яраштириш учун маслаҳат қилишимиз сўраб келишади. Кейинги пайтда ёшларнинг турли миллат вакиллари билан никоҳдан ўтиш ҳолатлари кўпаймоқда. Менинг кўп йиллик тажрибам шунини кўрсатдики, қадрият ва аъналарни яқин бўлган оилаларнинг пойдевори мустаҳкам бўлади. Ёшлар ўз миллати ва қадриятларини унутмасликлари керак. Небарам Азизахон АҚШда таҳсил олаётган даврида ўша мамлакатнинг тақдир тақозоси билан унинг фуқаросига айланган Олимжон исми ўзбек йигитга турмушга чиқди. Қадриятлар, урф-одатларимиз муштарак. Шўқр, бахтли яшашляпти. Барчаларингизга чевара, эвара суйиш бахти насиб этсин, – дейди Муҳаммадҷон ота.

Мунира ЖАМОЛИДДИН ҚИЗИ.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БУРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомира МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Қазигурт – Хуршид ҚўЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МЎМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулқибоб – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоҳ – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохон МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эғаси – «Жанубий Қозғоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси тахририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

«Мақолапар, эълон ва билдирувлардаги факт
ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар,
реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
Фойдаланилмаган мақолапарлар ёзма жавоб
қайтарилмайдди.»

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги
томонидан 2026 йил 1 апрелда рўйхатга олинди.
KZ64VPY00145638 ғувоҳнома берилган.

ERNUR-ning МББ босмақондада чоп этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимуҳтоев кўчаси, 22.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоққўчаси, 49-уй, 3-қават.
Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсатқичи – 65466.

Адади – 10500 нуска.

Бўёқма
756

Набатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.